



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 6 июнь, № 109 (5783)

Пайшанба

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Нурота туманидаги "Зафар гранит" масъулияти чекланган жамияти хоржининг "Admiral Business Ltd" компанияси томонидан киритилган қарийб 300 минг долларлик инвестиция ҳисобига "Zafar Granite Mining" қўшма корхонасига айлантирилди.

Инвесторлар кўмаги

Пировардида бу ерга энг илгор дастхонлар келтириб ўрнатилди.

— Лазерли тош кесиш ускунаси мрамарга ишлов беришда кўл келмоқда, — дейди корхона раҳбари Зафар Худойбердиев. — Яқинда 51 минг долларлик янги технологияларни харид қилишни режалаштирганмиз. Лойиҳамиз амалга ошиши билан ўнга яқин қўшимча иш ўринлари яратилади. Шу билан бирга, маҳсулотларимизни экспорт қилиш имконияти кенгайди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Амударё туманида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Истиқболли лойиҳа рўёби

— Банкнинг 98 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблагимиз эвазига хориждан тикув ва тўқув дастхонларини келтириб ўрнатдик, — дейди "Аму трикотаж" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилбархон Бердимуратова. — Ҳозир ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхонамизда қувватларни мутасил оширишни режалаштирганмиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Асака — Кува" йўналишидаги адирликларда замонавий савдо шохбчалари қад ростлади.

Савдо шаҳарчаси

Бунинг учун маҳаллий ҳокимлик ташаббуси билан тадбиркорларга 4,7 гектарлик майдон ажратиб берилди. Бу ерда қисқа муддатда тижорат банклари ҳамда ишбилармонлар маблагга эвазига 570 та замонавий иншоот бунёд этилди. Мазкур "савдо шаҳарчаси"да зардўзлар, дўппидўзлар, қосиблар ҳамда мебоҳлар учун ҳам махсус расталар ташкил этилган.

Мажмуа ўртасига ўрнатилган фаввора, йўлакларнинг ички қирғоғида барваж ривожланаётган қашдан, палъма, арча кўчатлари ташриф буюрувчиларга хушқайфият бағишляётди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Кортексокс" масъулияти чекланган жамияти турли тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, катталар ва болалар пайпоқлари тайёрлашга иختисослаштирилган.

Бамбукдан сифатли тола

Қувонарлиси, корхона маҳсулотларига ташки бозордан ҳам буюртмалар кўп.

Бунга сабаб жамоа ишлаб чиқариш жараёнига илгор инновацион лойиҳаларни жадал татбиқ этаятганидир. Масалан, яқиндан бошлаб корхонада янги хом ашё — бамбукдан фойдаланила бошланди. Мазкур юқори сифатли хом ашё нанотехнологиялар асосида бамбук ўсимлигининг юмшоқ қисми ва танасидан олинган. Энг муҳими, бундай табиий толали бирикмалар маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорликнинг янги уфқлари



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодий-тимиз тармоқларида жадал ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Бунда кўплаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник

ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида иш бошлаган Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё, металлургия соҳаси корхоналари тармоқ саноят ярмаркасининг очилиш маросимида шу ҳақда сўз юритилди.



Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 февралдаги "2013 йилда Халқаро саноят ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган мазкур анжуманда юқорида таъкидланган тармоқлардаги энг сўнгги ютуқлар намойиш қилинапти. Бу эса ярмарканинг ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, соҳадаги мавжуд янгиликлардан тўлиқ бохабар бўлиш, маҳсулот тайёрлашда илгор инновациялардан унумли фойдаланиш, иختисослашувни чуқурлаштириш, қисқача айтганда, истиқболли ҳамкорликка йўл очувчи муҳим иқтисодий форумга айланганидан далолатдир.



Бу йилги тадбирда мамлакатимизнинг энг йирик саноятчилари ҳисобланган "Ўзкимёсанот", "Ўзбекнефтогаз", "Ўзбекэнерго" компаниялари тизимидаги корхоналар, Навоий ва Олмалик тоғ-металлургия комбинатлари, "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятининг маҳсулотлари сифат ва дизайн жиҳатидан иштирокчиларда катта таассурот қолдириши, шуб-

ҳасиз. Негаки, улар орасида тармоқ корхоналари томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан тортиб, кооперация алоқалари асосида яқин кунларда ўзлаштирилиши режалаштирилаётган материалларга ҳам мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон қишлоқларида бунёд этилаётган янги уй-жой мажмуалари жаҳон талабларига жавоб беради»

Бельгиянинг Фландрия ўлкаси парламентида жорий йил апрель ойида пойтахтимизда ўтказилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференция якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур брифингга Бельгиянинг худудий ва федерал даражадаги қонунчилик идоралари, академик ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари, журналистлар, шунингдек, Тошкент конференциясида қатнашган бельгиялик экспертлар ҳозир бўлдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Фландрия парламенти депутати Каролин Бастианс Ўзбекистон қишлоқларида уй-жойлар қурилиши бўйича кенг қўллаш дастур муваффақият-

ли амалга оширилаётганини эътироф этди. — Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар мажмуаларининг қурилиши дастури республика раҳбарияти томонидан аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг яна бир амалий натижасидир, — деди у. — Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ФАРМОН ВА ИЖРО

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда энгил саноят соҳасига инвестиция киритиш салоҳияти ва имкониятига бағишланган тўқимачилик форуми очилди. Мазкур нуфузли тадбир "Ўзбекенгилсанот" давлат-акциядорлик компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Таъки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Таъки ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда БМТнинг Саноятни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), "Rieter AG" (Швейцария), "Indorama Industries" (Сингапур) компаниялари кўмағида ташкил этилди.

Тўқимачилик саноятимизнинг юксак салоҳияти

хорижлик сармоядорларнинг иқтисодий-тимизга бўлган қизиқишини янада оширмоқда

Унинг очилишида қайд этилганидек, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, чет эллик инвесторлар фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Натижада саноят тармоқларининг инвестицияларидир. Шубҳасиз, бундай юқори натижаларга эришиб, жалб этилаётган сармоялар ҳажми йил сайин ортиб бораётди. Утган йили иқтисодий-тимизга киритилган ички ва хорижий инвестициялар 11 миллиард 700 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга

ўсгани бунинг яққол далилидир. Эътиборли жиҳати шундаки, жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион АҚШ долларидан ортинги хорижий инвестициялар ташкил этган бўлса, уларнинг 79 фоиздан кўпроги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Шубҳасиз, бундай юқори натижаларга эришиб, жалб этилаётган сармоялар ҳажми йил сайин ортиб бораётди. Утган йили иқтисодий-тимизга киритилган ички ва хорижий инвестициялар 11 миллиард 700 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга

тирувчи омил бўляпти. Натижада иқтисодий-тимизнинг барча тармоқлари, хусусан, энгил саноятда хориж сармояси иштирокида ҳар йили ўнлаб янги корхоналарга асос солинапти. Зеро, ўзлаштирилаётган инвестициялар, энг аввало, юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган замонавий қувватларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилаётди.

(Давоми 2-бетда).

Ишбилармонлар бизнес-форуми

Пойтахтимизда 5 июнь кунини Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-санот палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг савдо-санот, сармоя, иқтисодий, қурилиш, автомобилсозлик, кўчмас мулк, озиқ-овқат санояти, энергетика, нефть-газ, ахборот ва коммуникация технологиялари, сайёҳлик, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда кимё санояти каби соҳалар учун маъсۇл вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлигини кенгайтиришга бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон Савдо-санот палатаси раиси Алишер Шайхон мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонлигига Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этишининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда "Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш

фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим омилдир

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, жамоат бирлашмалари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Америка Қўшма Штатлари, Италия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, Россия, Молдова каби қатор дав-

латлардан экспертлар, шунингдек, мамлакатимиз парламенти аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий тадқиқот марказлари ҳамда худудий хотин-қизлар кўмиталари раислари қатнашди.

Конференцияда Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш,

"Соғлом она — соғлом бол" тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини қучайтириш каби йўналишларда олиб борилаётган кенг қўллаш ислохотлар, хорижий мамлакатлар аёллари ҳаракатининг бу борадаги тажрибалари атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ёшлиқ, шижоат, маҳорат



Бугун Бухоро шаҳрида "Универсиада — 2013" спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланади.

Бухоро шаҳрида "Универсиада — 2013" спорт мусобақаларининг шуқуҳи ҳўкм сурмоқда. Шаҳар кўчалари, хиёбонлар ва майдонлар кўркам қиёфага кирди. Гулу гулзорлар қадимий ва навқирон шаҳарга ўзгача файз бағишлади. Бинолар замонавий кўриниш олди. Кўчаларда беллашувлар руҳини акс эттирувчи суратлар туширилган баннерлар кўзга ташланади. Қисқаси, бухороликлар "Кичик Олимпиада" дея эътироф этиладиган Универсиадани чинкакам байрамга айлантириш учун катта тайёргарлик кўрдилар.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган саноат-хўжалик тизимини равишда олиб боришмоқда.

Конференцияда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг иқти-

Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг саломатлигини асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидан ҳисобланади. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Чунончи, жойларда (ойла, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлигини асраш каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётди. Бунинг самарасида Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-

— Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатнинг эришаётган ютуқлар ҳар қанча эътирофга сазовор, — дейди **Малайзия тадбиркор аёллар халқаро ассоциацияси президенти Нозаризах БОР-ХАН**. — Айниқса, уй меҳнати ривожлантиришга қаратилган сайё-ҳаракатлар диққатини тортди. Бу, ўз навбатида, аёлларнинг оила моддий фаровонлигига муносиб улуш қўшишлари, шу билан бирга, фарзанд тарбияси билан бевосита шуғулланишларига имкон беради.

Ортимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар самараси ўлароқ, республика тижорат банклари то-

Бу, ўз ўрнида, аёл меҳнати бола тарбияси билан қўшиб олиб бориш, оналик ва болаликни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имконини яратди.

Ортимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш йўналишида 539 та ННТ самарали фаолият юритмоқда. Экспертлар "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Аёллар Кенгаши" Республика жамоатчилик фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Меҳр нури" жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятига катта қизиқиш билдиришди.

Конференция доирасида иштирокчилар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилидир

Тўқимачилик саноатимизнинг юксак салоҳияти

хорижлик сармоядорларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини янада оширмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Даржақат, мазкур тўқимачилик форуми энгил саноатимизнинг ёрқин истиқболга хизмат қиладиган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, хорижлик ишбилармонлар билан тенг маънавиятли келишувларга эришиш учун қўлай имкониятларни янада кенгайтириш, шу боис тадбирда Германия, Италия, Швейцария, Болгария, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Индонезия, Покистон, Бангладеш сингари жаҳоннинг қўллаб-мамақалларидан ташриф буюрган 30 дан ортиқ йирик тўқимачилик компаниялари раҳбарлари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, тижорат банклари, энгил саноат корхоналари масъул ходимлари иштирок этди.

Халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган Ўзбекистон доимо дунё тўқимачилик саноати мутахассисларини ўзига оҳанрабодек тортиб келади. Негаки, мамлакатимизда етиштирилган "оқ олин" толаси барча кўрсаткичлари бўйича устуликка эга. Яъни узунлик бўйича бир хиллиги, пишқирлиги, ранги, микропейри, калта тола миқдори камлиги, эгилувчанлиги, қисқача айтганда, саноатбўлиги билан қайта ишловчиларнинг меҳрини қозongan. Шунинг учун тўқимачилик саноати ривожланаётган давлатлар борки, ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлашга интилади. Бунинг самараси ўлароқ, пахта толасини чуқур қайта ишлашга иқтисослаштирилган корхоналар сони мутасил кўпайиб бормоқда.

Тўқимачилик саноатида яқин йилларда умумий қиймати 1,7 миллиард АҚШ долларлик 55 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Бу эса 2015 йилга бориб, пахта толасини республикамизда қайта ишлаш ҳажминин 70 фоизга етказиш имконини бериши кувонарли ҳолдир.

Форумда сўзга чиққан "Rieter AG" (Швейцария) компанияси президенти П. Гнеги, UNIDO вакили Д. Ли ва бошқалар Ўзбекистонда чет эллик ҳамкорлар учун яратилган қўлай инвестициявий муҳитни юқори баҳолаб, бу иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш, биргаликда йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этдилар.

— Ўзбекистон тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган мамлакатлардан биридир, — дейди Италиянинг "Sanitars"

компанияси президенти Луиж Лоренцетти. — Чунки заминимизда саноатбоп пахта етиштирилиб, ундан юқори сифатли тола олиш бўйича юксак тажриба тўпланган. Бунга форум доирасида пахта тозалаш заводи ҳамда тўқимачилик корхоналарига ташрифимиз чоғида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, "Ўзбекистон" пахта тозалаш акциядорлик жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари эътиборимни тортди. Ушбу лойиҳалар ижроси учун 2 миллиард сўм миқдоридан инвестиция киритилди. Бунинг эвазига энг замонавий пахта тозалаш, тола ажратиш ва уни тойлаш ускуналари ўрнатилиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 20 минг тоннага етказилди. Бу каби янгиланиш жараёнига ҳар қандай инвесторнинг юртингизга бўлган қизиқишини оширади.

Тадбирда хорижий меҳмонлар энгил саноатнинг инвестициявий салоҳияти, ҳукумат томонидан чет эллик сармоядорларга яратиб берилган шарт-шароитлар, уларга тақдим қилинаётган имтиёзлар, тижорат банкларининг молиялаштириш имкониятлари ҳамда меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган тақдиротлар билан таништирилди.

— Тўқимачилик истиқболли бевосита логистика тизими ривож билан боғлиқ, — дейди Болгариянинг "Yapa LTD." компанияси президенти Орлин Колев. — Бу борада ҳам юртингизда қўлай инфратузилма яратилгани диққатга сазовор. Чунки пахта толасини сифатли сақлаш, хариддорларга ўз вақтида етказиб беришга иқтисослаштирилган 20 дан ортиқ минтақавий пахта терминаллари самарали фаолият юритаётганига гувоҳ бўлдик. Чунончи, "Тошкент-Тола" терминалига қарашли оморларга 45 минг тоннадан кўпроқ тола жойлаштириш, кунига 500 тонна хом ашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиб, 900 тоннадан ортиқ тола ни экспортга чиқариш имконияти мавжуд экан.

Эътиборимни тортган яна бир жиҳат шундаки, тола экспорти билан боғлиқ ҳужжатларни шу ернинг ўзига расмийлаштириш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон "Сифат" пахта толасини сертифицилаш марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти хизматлари ишлаб турибди. Бундай қўлайликлар билан танишиб, ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга қарор қилдик.

Тўқимачилик форуми чет эллик инвесторлар учун мамлакатимиз энгил саноати ютуқлари билан яқиндан танишиш, янги ҳамкорлар топиш учун қўлай шароит яратди. Унинг доирасида имзоланиши кутулаётган келишув битимлари ижроси тўқимачилигимиз ривожини янада жадаллаштиради, доврўғини дунёга кенгроқ ёйишга хизмат қиладди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

содий жабҳадаги фаоллигини юксалтириш, хотин-қизларнинг таълим ва фандаги ролини кучайтириш, бу борада фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ишчи мувофикаштириш ва ўзаро ижтимоий ҳамкорлик самаралари хусусида миллий ва хорижий мутахассислар томонидан маърузалар тингладди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўний манфаатларини таъминлашга қаратилган нормалар ўз ифодасини топди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги Фармони асосида тасвир этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва унинг соҳибалари, уларнинг бугунги кунда эришаётган ютуқлари алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, 2000 йилдан бунён аъло ҳулқи, зуқолиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан нобъ истеъдодини намойён этаётган иқтидорли қизлар адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун тақдирланаётган мазкур мукофот соҳибалари орасида фан номзодлари, халқаро олимпиадалар, санъат танловлари голиблари бор.

— Ёш бўлса-да, Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар учрашув чоғида меню жуда ҳайратда қолдирди, — дейди **АҚШ Аёллар ташкилотлари миллий кенгаши раиси Сюзен СКЕНЛАН**. — Қизларнинг шарқона лутфи, хорижий тилларда эркин сўзлашиши, баъдий ижодни юксак даражада тушуниши ва тингловчига етказиб бериш иқтидори таҳсинга лойиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари орасида деярли барча соҳаларда ютуқларга эришган қизларни қўриш мумкин. Бундай имконият, албатта, юртингиз раванқи учун жуда ҳам муҳим. АҚШ мисолида айтилган бўлсам, бизда кўпроқ бизнесга катта эътибор қаратилган. Бизнес билан шуғулланидиган корпорациялар 500 га яқин бўлиб, улардан 11 тасини аёллар бошқаради. Албатта, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, ўзимизники уларга кўрсатиш ва шу тариқа давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш бугун айни муддао.

қизлар учун қўлай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингидан мамлакатимиз ўсиб келаятган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўналигига киритилди.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилаётгани, биргина "Она ва бола скрининги" Давлат дастури доирасида барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материал билан таъминлангани, ўз навбатида, қўллаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражада қўриш болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

— Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислохотлар самарасини кўриб, танишиб, очиб, бу борада катта ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди **БМТнинг Аёллар тузилмаси лойиҳа координатори Виталий ТАБАРЧА**. — Бу рақамларда ҳам кўриниб турибди. Айниқса, қабул қилинган давлат дастурларида оналар ва болалар саломатлигини асраш учун ажратилаётган маблағлар ва шунинг асосида ҳудудларда бепул тиббий тегишувлар ўтказилаётгани, шубҳасиз, соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун ҳукумат томонидан кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик натижасидир. Кўпгина мамлакатларда соғлиқни сақлашдаги барча харажатлар фақат тиббий сугурта ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистонда эса ушбу тизим давлат томонидан молиялаштирилаётгани — бу жуда катта муваффақият.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган ишларга конференция давомида алоҳида тўхталиб ўтилди. Таъкидлангандек, аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар асосида яратилаётган иш ўринлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда хотин-қизлар учун 430 607 та иш ўрни яратилган бўлса, 2013 йилнинг биринчи чораги давомида бу кўрсаткич 114 мингтаини ташкил этди.

монидан 2012 йилда 491,7 млрд. сўм кредит ажратилди. "Обод турмуш йили" Давлат дастурига кўра, 2013 йилнинг биринчи чораги давомида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадига 319 млрд. сўм йўналтирилган хотин-қизларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун шартнома имзоланди.

— Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган лойиҳаларнинг қиймати жуда катта, — дейди **Германия Омонат кассалари жамғармаси департаменти директори Маттис ФОСС**. — Жамғарма қошида ташкил этилган ахборот-масъалат марказимизда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга зарур масъалатлар берилмоқда. Ҳозир ўзига ишончи мустаҳкам 130 нафар аёл лойиҳа доирасида Ўзбекистон банклари томонидан 1 млрд. 988 млн. сўм миқдоридан кредит олишга муваффақ бўлди. 515 нафардан кўп хотин-қиз ўзига муносиб иш билан таъминланди. Малакали мутахассислар, экспертлар томонидан ўтказилаётган иқтисодий тренинглар натижасида қўллаб-қувватлаётган аёллар тадбиркорлик фаолиятини муҳим жиҳатлари, бу борада қабул қилинаётган миллий қўнийлик меъёрлари билан атрофлик таништирилаётгани диққатга сазовор.

Анжуманда аёллар меҳнати муҳофаза қилишга қаратилган сайё-ҳаракатларга ҳам тўхталиб ўтилди. Чунончи, шу бўйича кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларида аёлларнинг мақсадли имтиёзлари, хусусан, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга қўшимча таътиллар бериш, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари кўни белгилаш ёки қўшимча дам олиш кўни бериш каби мажбуриятлар киритилди.

Конференцияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлиги, меҳнат ва таълим олиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар билан ишлашни кучайтириш борасида қизгин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, зарур тавсия ва тақлифлар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

ушбу Тошкент Фотосуратлар уйида "Шанхай аёллари ҳаётидаги аjoyиб бир кун" мавзусида фотокўргазма намойиш этилди.

— Ўзбек аёлларининг хислати, фазилатлари, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш йўналишида 539 та ННТ самарали фаолият юритмоқда. Экспертлар "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Аёллар Кенгаши" Республика жамоатчилик фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Меҳр нури" жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятига катта қизиқиш билдиришди.

Конференция доирасида хорижий экспертлар мамлакатимизда хотин-қизларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишлари учун, даставвал, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашишди, уларнинг тадбиркор аёллар томонидан яратилган миллий маҳсулотлар кўргазмаси билан яқиндан танишишди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми жамғармасининг аёллар жамоат ташкилотлари пойтахтимиз меҳмонлари учун ўз фаолияти юзасидан тақдирот ўтказди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан учрамайдиган ягона миллий тизим — маҳалла институти тажрибаси билан таништириш мақсадига меҳмонларнинг Тошкент шаҳридаги "Журнони" маҳалла фуқаролар йиғинига, шунингдек, барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги кенг ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари кўни белгилаш ёки қўшимча дам олиш кўни бериш каби мажбуриятлар киритилди.

Конференцияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлиги, меҳнат ва таълим олиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар билан ишлашни кучайтириш борасида қизгин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, зарур тавсия ва тақлифлар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорликнинг янги уфқлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, "Энерготаймир" очик акциядорлик жамияти мутахассислари электр станциялар ва электр тармоқларини таъмирлашга мўлжалланган маҳсулотларни тақдим этаётган бўлса, "Электрқўқорилиш" корхонаси юқори кучлининг электр узатиш линиялари, кичик станцияларни қуриш ва соғлаш ускуналари, темир-бетон таянчаларини намойиш қилмоқда. Эътиборлиси, мазкур тизим корхоналари томонидан ўтган йилги ярмаркада 22,2 миллиард сўмлик 106 та шартнома имзоланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг муносиб равишда 33 миллиард сўмлик ва 200 тага ет-

зиш режалаштирилаётгани диққатга сазовордир. — Ўтган йилги ярмарка биз учун ҳам самарали бўлган эди, — дейди Андижон туманидаги "Fusunlog" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улўбег Содиков. — Чунки унда 2 миллиард 230 миллион сўмликдан зиёд шартномани имзолашга эришганмиз. Шунга кўра, ҳозиргача бир миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бердик. Галдаги ярмаркага эса трансформаторларга мўлжалланган паст ва юқори кучлининг сақлагичлар, ерга кўчириш мосламалари қаторида янги маҳсулот — электр ажратувчи жиҳозларни келтирганмиз. Уйлаймизки, барча маҳсу-

лотларимиз иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Тадбир ташкилотчиларига раҳмат, ярмарка ишлаб чиқарувчиларга, хусусан, кичик бизнес субъектларига янги ҳамкорлар топиб, фаолиятини кенгайтиришда катта имконият яратмоқда.

"Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятининг қўра металл, мис ва унинг қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлари, шунингдек, сирланган пўлат идишлари ҳам кўргазма майдонидан муносиб ўрин эгаллаган. У маҳсулотларнинг аксарияти Маҳаллайлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилгани эътиборга лойиқ. Жамиятда жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ушбу дастур доирасида 70,3 мил-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида изчил олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Жиззах" махсус индустриал зонасида қўша лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амириклари биргаликда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш борасида уланган имкониятларга эга, — деди Дубай Савдо-саноат палатаси раиси Абдул Раҳмон Саиф ал-Ҳураир. — Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш, хусусан, сайёҳлик, логистика ва кўчмас мулк соҳаларида сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. Ушбу форум Амирик билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва икки томонлама савдо ҳажминини оширишга хизмат қиладди.

Анжуманда сармоя, савдо, қурилиш, кимё, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, автомобил соҳаси ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Бирлашган Араб Амириклари компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, янги қўша лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунги икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Араб Амириклари ишбилармонлари Ўзбекистонлик ишбилармон билан биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олдилар.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистон қишлоқларида бунёд этилаётган янги уй-жой мажмуалари жаҳон талабларига жавоб беради»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Брифинг чоғида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг халқаро конференция очилишида сўзлаган нуқти, шунингдек, анжуман катнашчиларининг хулоса, тақлиф ва мулоҳазалари билан танишдилар.

Тадбирда таъкидлангандек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилаётди. Жойларда ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари қатор йўналишларда давлат дастурлари қабул қилинган ва улар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Уй-жой қурилиши билан бир қаторда, қишлоқларда соғлиқни сақлаш, спорт ва таълим иншоотларини бунёд этишга салмоқли ҳақидаги маблағлар ажратилаётгани ҳам брифинг иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг асосий йўналишлари, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар, иш-

лаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология жиҳатдан янгиланган, 2013 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эришилган асосий муваффақиятлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳам тадбир катнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Брифингда юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардор маҳсулотлар чиқариш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам алоҳида сўз борди.

Шу муносабат билан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрэн" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарида яратилган имкониятлар, жумладан, саноатнинг барча тармоқларида хом ашёдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйишга имкон берувчи транспорт ва инфратузилмалар шарт-шароитлар ҳақидаги ахборотлар Бель-

гия ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Улар "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни дунё бозорларига экспорт қилиш учун фойдаланишдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида **Белгиянинг Монс университети профессори Лоран Дебалье** Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини бундан ўзгартариш ва жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиши юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ўзбек халқининг ҳаёт тарзи ва фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилишини қайд этди. "Ўзбекистон қишлоқларида қисқа вақт мобайнида қад кўтарган шиноман, барча қўлайликлар ва зарурий инфратузилмага эга уй-жойлар мендан унутилмас таассурот қолдирди, — деди у. — Юртингиз қишлоқларида барпо қилинаётган янги уй-жой мажмуалари жаҳон талабларига тўла жавоб бериши билан янада аҳамиятлидир".

Л. Дебалье Ўзбекистон Респуб-



«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» — 2013»

Истеъдод кўриги

Нукус шаҳрида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Этироф этиш жоизки, мазкур танловда қатнашиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Зеро, Қорақалпоғистон

Республикасида бу йилги танлов ҳайъатига мурожаат қилганлар 7 минг нафардан зиёдни ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Энг муҳими, бугун ёшлар тақдим қилаётган лойиҳа, ишланма, ихтиро ва таклифлар мазмун жиҳатидан янада бойиб бормоқда.

Бу гал кўриқнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 374 нафар иқтидорли йигит-қиз иштирок этди. «Келажак овози» ёшларнинг сеvimли танловига айланиб улгурган, — дейди Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси, танловнинг веб-сайт ишланмалари йўналиши бўйича голиби Темур Сапарбоев. — Тан-

лов илк бор ўтказилганидан бери ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйлаб 400 минг нафардан зиёд ёшларни қамраб олгани ҳам бунга яққол тасдиқлайди.

Танловнинг архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиши бўйича ёшлар ўз истеъдодларини синовдан ўтказишди. Голиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

А. ХИДОЯТОВ.

«Ҳисор асали»

Ёғоч идишда сақланган асал таъми ва сифати узоқ вақт бузилмаслиги билан назарга тушган.

ИЗЛАНИШ

Китоб туманининг Туя-бози қишлоғидаги «Нектар кафолат» хусусий қорхонасида асални айнан шу усулда қадоклаш йўлга қўйилди. Бунинг учун, энг аввало, турли ўлчамдаги ёғоч идишлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— 2011 йилда 70 оила асаларини парвариш-лаб, 800 килограмм маҳсулот олгандик, — дейди қорхона раҳбари С. Очилов. — Айни пайтда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришяпмиз. Жумладан, ўтган йили болари оилалари сонини 120 тага етказдик. Жорий йилда эса 150 асалари оиласидан 2 тонна бош олиб, қадоклашни режалаштирганмиз. Бундай маҳсулот полипропилен ва полиэтилен идишлардаги насбатан экологик тоза сақланади. Уларни тўлиқ экспорт қилиш ниятидамы.

Таъкидлаш керакки, «Ҳисор асали» ёрлиги остида тайёрланаётган маҳсулот нафақат воҳадаги, балки пойтахтимиз ҳамда бошқа вилоятлар бозорларида ҳам ўз харидорини топмоқда.

Айтиш жоизки, вилоятда 2012 йилда қарийб юзта асаларичилик хўжалиги ташкил этилиб, уларнинг сони 472 тага етди. Асалари оилалари сони эса 33 мингтага кўпайди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Истиқлолга қадар юртимизнинг айрим чўл ҳудудларидан бошқа жойларда от ва туяларни учратиш амримаҳол эди. Болажонлар уларни фақат ҳайвонот боғидагина кўришарди. Бугунги кунда эса Сурхон воҳасидаги кўплаб фермер хўжалиқларида чорвачилик билан бир қаторда, йилқичилик ва туячилик ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан, Сарисоёв туманидаги «Улуғ Сабо» фермер хўжалигида 320 бош зотдор от боқилмоқда.

АФСОНАВИЙ ҚОРАБАЙИР ОТЛАРИ

фермер хўжалиқларида парваришланмоқда

Холисона айтганда, мазкур хўжалик аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига салмоқли улуш қўшмоқдалар. Гап шундаки, 30 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлган кўп тармоқли фермер хўжалигига қарашли 1000 гектар майдондаги яйловларда йилдан ташқари, 2500 бош хисори кўй ва 50 бошга яқин соғин сиғир ҳам парваришланаётган.

Шу билан бирга, жамоа ахли ҳар йили галла ва пахтадан ҳам юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Жорий йилда салкам 30 гектар ердаги галла ўримига келиб қолган бўлса, 30 гектар майдондаги гўза гуркураб ўсмоқда.

Таъкидлаш керакки, «Улуғ Сабо» республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги «Қорабайир зотли отлар етиштириш махсус хўжалиги»нинг сертификатига ҳам эга. Бу хўжалик равнақи учун катта имконият, деганидир.

— Болалигимдан улоқ

чопишга қизиқаман, — дейди деновлик чавандоз Абдувоҳид Норқолиев. — «Улуғ Сабо»нинг отлари кўпқарида одамни уялтирмайди. Чунки улар туғилгандан оқ йилловларида боқилгани учунми, улоқни кўтараятган пай-

тингизда қоқилмайди. Ҳақиқатан ҳам, вилоятда ташкил этиладиган кўпқарида «Улуғ Сабо» фермер хўжалигида «тарбияланган» отларгина энг катта совринларга сазовор бўлишни барча яхши билади. Шу боис йилқибозлар воҳа миқёсида қорабайир тулпорининг зотини яхшилашга, учқур отлар наслини кўпайтиришга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Отларимизга нафақат кўпқари ишқибозларидан, балки мамлакатимиздаги от спортига ихтисослаштирилган мактаблар раҳбарларидан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда, — дейди тажрибали йилқибоз қарақалпоғи Абдурайим Мелибоев. — Биргина шу йилнинг биринчи чорағида чопқир отлардан 20 таси Жиззах вилоятидаги махсус мактаб томонидан харид қилингани бунинг тасдиғидир. Биласизми, биз айғирларни буюртмачиларга жўна-тишдан аввал уларни жиловлан, «тарбия»лаб берамиз. Бу юмушни уйдла-лашнинг ўзи бўлмайди. Талаб ва таклифларни ўрганган ҳолда, хўжалигимизда боқилаётган икки

бош «Англо-шотланд» қорабайир зотли айғирдан ҳам насл олапмиз.

Утган йили, шунингдек, «Улуғ Сабо»га Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидан 2 бош нор ва шунча бош урғочи туя келтирилган эди. Бугунги кунда уларнинг сони 5 тага етди.

— Яқинда туяларимиз яна биттага кўпайди, — дейди чўпон Усмон Самадов. — Бу жониворлар икки йилда бир маротаба болаласа-да, бўталоғи жуда нозик бўлади. Шунинг учун у онасини 18 ой эмади.

Эътиборлиси, туялар Сангардак ва Кўлписта тизма тоғларининг яйловлари иқлимга тез мослашиб кетиши. Туя маҳсулдор бўлибгина қолмасдан, яхшигина улов вази фасини ҳам бажаради. Бу жонивор ташналикка жуда чидамли. Туяларни кўпайтиришдан мақсадимиз — уларнинг жуни тарихида тивит бор. Ҳар бошидан мавсумда 10-13 килограммдан зиёд жун олинади. Айтмоқчиманки, келгусида унинг майин юнддан буйрак ҳамда белга малҳам тиббий белбоғлар тайёрлаш цехини ишга туширмоқчимиз.

Дарҳақиқат, кўп тармоқли фермер хўжалиги аъзолари чорвачилик, йилқичилик ва туячиликни ривожлантириш орқали юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик даражасини ошириш йўлида тиним билмасдан меҳнат қилмоқдалар.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

юридик шахслар учун мўлжалланган қуйидаги янги, жозибадор депозит сертификатларини таклиф этади.

Депозит сертификатларнинг даромадлилик даражаси уларнинг муомала муддатига боғлиқ бўлиб, куйидаги шартларда чиқарилган:

Номинал қиймати — 50 000 000,00 (эллик миллион) сўм.
Умумий суммаси — 5 000 000 000,00 (беш миллиард) сўм.
Қимматли қоғозлар тури — эгасининг номи ёзилган.

Муомала муддати	Даромадлилик даражаси
370 кун	йиллик 6%
547 кун	йиллик 7%
730 кун	йиллик 8%
912 кун	йиллик 9%
1095 кун	йиллик 10%

Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар чоракда тўланади.

Депозит сертификатлар «Ипотека-банк» АТИБ Бош амалиёт бошқармаси орқали сотилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатланишга борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида тижорат банкларининг депозитлари ва қимматли қарз қоғозларига бир йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинмаган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан озод этилиши қўзда тутилган.

Қўшимча маълумотларни куйидаги телефон орқали олиш мумкин: (8-371) 150-89-52. Факс: (8-371) 150-98-19.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино-иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 745 404 403,44 сўм.
Аукцион савдосига 2013 йил 24 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 21 июнь кунни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Олмазор тумани судининг 2012 йил 24 октябрдаги

1-166/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамийш 1/2, 13-уйда жойлашган, 10 хонадан иборат, умумий фойдаланиш майдони 265,47 кв.м., яшаш майдони 185,53 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 282 751 500 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 8 июль кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 5 июль кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамийш к., 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвутдавсув-махсуспудрат» давлат унитар қорхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтўрғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3535,61 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022-литердан иборат, фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 634 478 313 сўм.

II. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 21 мартдаги 12-1213/1867-сонли ижро варақаси ва бир неча ижро варақаларига асосан хатланган, «Сирдарё МТП» ОАЖга тегишли, Сирдарё шаҳри, Озодлик кўчаси, 58-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар

арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. 0005-литердаги, майдони 4,25 кв.м. бўлган бостирма биноси.

Бошланғич баҳоси — 171 436 сўм.

2. 0007-литердаги, майдони 1574,3 кв.м. бўлган трактор цехи биноси.

Бошланғич баҳоси — 199 917 338 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 25 июнь кунни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 21 июнь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ

қуйидагиларни етказиб беради:

- гўзапоя ўрайдиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- ўт ўрайдиган комбайн
- бугдой экадиган сепяла
- макка ўрайдиган комбайн
- дори сепадиган мосламалар
- жўхори йиғувчи комбайн
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- ем майдалаб таркатувчи техника
- пресслайдиган мослама
- культиваторлар
- сомон йиғувчи мосламалар
- плуг, айланма плуг,
- тракторлар
- дискили плуг
- бог ва ферма учун тракторлар
- юкловчи экскаватор, бульдозер
- гусеничали тракторлар
- картошка терадиган комбайн

Tel: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

Моторные масла и антифризы «PRISTA»

Очевидное превосходство!

TEL: (+99871) 120-67-76
FAX: (+99871) 120-66-88
e-mail: info@prista-oil.uz
www.prista-oil.com

товар сертифицирован

ЁШЛИК, ШИЖОАТ, МАҲОРАТ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кейинги беш-олти ой ичида Бухоро жуда чиройли бўлиб кетди, — дейди меҳнат фахрийси Бехбуд Жумаев. — Ёшларимиздаги интилиш, ғайрат-шижоатни айтмайсизми?! Улар ҳам эзгу саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Буни кўриб, чин дилдан хурсанд бўласан киши. Универсиада муносабати билан кўпга спорт мажмуалари ташкирланди, халқаро андозлар даражасига келтирилди. Янги спорт иншоотлари қурилди. Буни Президентимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига

қаратаётган юксак эътибори, ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси, деб биламиз. Дарҳақиқат, вилоятда спорт инфратузилмаси янада такомиллашди. Хусусан, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик техника институти, Бухоро давлат университети, нефть ва газ саноати касб-хўнахон коллежи каби таълим муассасалари жойлашган ҳудуд яхлит бир спорт шаҳарчасига айланди. Масалан, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик техника институти оладиган бўлса, бу ерда лойиҳа қиймати 1,4 миллиард сўм бўлган қўшқаватли замо-

навий спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Универсиада дастуридан ўрин олган баскетбол мусобақалари айни шу иншоотда кечади. Ёки Бухоро давлат университетида сатҳи 36х18 метр бўлган икки қаватли мухташам спорт зали қад ростлади. Бино "20-трест" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди.

— Мазкур спорт залида томошабинлар, иштирокчилар ва ҳакамлар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили Сувонхон Думаев. — Ювенил хоналари мавжуд бўлиб, шинамлиги билан эътиборни тортади. Бу ерда волейбол мусобақалари ўтказилади.

Спорт зали ёнида футбол баҳсларини қабул қилади-ган стадион ҳам энг сўнги талаблар даражасида ташкирланди, тайёр холатга келтирилди. Ушбу ҳудудда, шунингдек, очиқ волейбол, баскетбол, минифутбол майдончалари ҳам мавжуд. Талаблар учун кийинги, ювенил хоналари барпо этилган. Ав-

тоуловлар учун махсус тўхташ жойи қурилган. Спорт шаҳарчасидан ҳаммаси 300-400 метр нарида жойлашган университетнинг 700 ўринли ошхонаси ҳам ташкирланди. Мусобақа катнашчилари истикомат қилиши кўзда тутилган талаблар тураржойлари реконструкция қилиниб, замонавий қулайликларга эга бўлди.

— Буларнинг барчаси давлатимизнинг биз, ёшларга курсатаётган ғамхўрлигидан далolat беради, — дейди Бухоро давлат университети талабаси Гулноза Отажонова. — Бундай мухташам иншоотларда спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шуғулланиш кишида фахр-ифтихор туйғусини уйғотар экан. Мен ҳозир ана шундай ҳиссиётлар оғушидаман. Айтмоқчи, волейбол бўйича вилоят терма жамоаси аъзосиман. Универсиадада катнашимш имкониятига эга бўлганимдан жуда бахтиёрман. Биз фақат галаба учун майдонга тушамиз.

Дафъатан олий ўқув юртини эслатувчи Бухоро нефть ва газ саноати касб-хўнахон коллежиде амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам кўзни қувонтиради. Универсиада ишти-

рокчилари "Семурғ", "Хумо", "Дилқушо", "Бухоро" спорт мажмуаларида ҳам ўз иқтидорларини намойиш этидилар.

Низомга мурофид, мусобақалар халқаро Олимпиада талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, адолат, ўзаро дўстлик ва товулик каби Олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт уйланирининг доимо бош мезони бўлиб қолади.

"Универсиада — 2013" ташкилотчилари талабларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида тайёргарлик кўришган. Жумладан, мусобақа катнашчилари учун концерт дастурлари намойиш этилади, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади, қадимий Бухоро бўйлаб саёҳатлар ташкир қилинади.

Мухтасар айтганда, спорт байрамини юксак савияда ўтказиш, иштирокчиларга унутилмас таассуротларни туҳфа этиш учун ҳар бир жиҳат эътиборга олинган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш борасидаги амалий қадамлардан бири бўлди. Германия ва Ўзбекистон профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолаларидан ташкир топанг тўптам Германиянинг Иоганн Гут-

«Ўзбекистон мисолида немис тилини ўқитишдаги янги услубий ёндашувлар»

Яқинда Германиядаги "SalonCwe Verlag" илмий нашриёти томонидан немис тили ўқитувчилари учун чоп этилган ўқув-услубий қўлланма ана шундай номланади.

тенберг номидаги Майнц университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида ўрнатилган ўзаро ҳамкорликдаги меҳнатнинг самараси ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, ушбу олий ўқув юртлири ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 2010 йили Германия академик алмушавлар хизмати (DAAD) кўмағида ўрнатилган эди. Утган давр мобайнида ўзбекистонлик ва германиялик тадқиқотчилар изчил равишда билим ҳамда тажрибалар алмашдилар, кўша семинар, тренинг ва бошқа тадбирлар уюштирилди. Шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорлик алоқалари доирасида мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида немис тилини ўрганиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқилган ҳам алоҳида эътиборга молиқдир.

Нашр қилинган ўқув қўлланма Ўзбекистонда 2010 — 2012 йиллар мобайнида замонавий услублар асосида чет тилларини ўқитиш соҳасида эришилган ютуқлар ва ривожланиш жараёнларини

қўлланмада чет тилини ўрганишнинг илғор усуллари аниқ мисоллар асосида келтирилгани баробарида, чет тили ўқитувчилари учун зарур тавсиялар берилган.

Иоганн Гуттенберг номидаги Майнц университетининг Магистратура бўлими бошлиғи М. Грейн "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда чет тилини ўрганиш ва ўқитиш тизимида эришилган ютуқлар диққатга сазовор эканлигини эътироф этди.

Шу ўринда Германия ва Ўзбекистон олий ўқув юртлири ўртасидаги ҳамкорлик доирасида ҳар йили юртимиз олимлари ва ўқитувчилари Майнц университетида амалиёт ўтаб келатганликларини таъкидлаш лозим. Уз навбатида, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан янги ишланмалар юзасидан фикр алмашиш учун германиялик олим ва мутахассисларнинг мамлакатимизга илмий сафари учун уюштирилиши ҳам аъна тусини олган.

«Жаҳон» АА. Берлин

Малакали шифокорлар — аҳоли хизматида

Бугун эл саломатлигини асрашда тиббий кўрикларни ташкир этиш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданият даражасини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётир.

ҲАФТАЛИК

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган саломатлик ўн кунлиги тадбирлари ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантйқий давомидир. Хусусан, Наманган вилоятида бўлиб ўтаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги мазкур тадбирга республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтилари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлар ташриф буюришди. Тадбир давомида кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог, уролог, гинеколог сингари ўн бир йўналишдаги мутахассислар халқимиз хизматида бўладилар.

Тиббий текширувлар дастлаб Поп туманидан бошланди. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ховлисида пойтахтдан келган тажрибали шифокорлар ҳамда Тошкент тиббиёт академияси профессорларининг қабули уюштирилди.

— Наманган вилоятидаги соғломлаштириш тадбирларида учинчи бор иштирок этмоқдамиз, — дейди Тошкент вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Абдували Набиев. — Утган йилги ҳафталик тадбирлари ижобий натижа берди. Умман, соғломлаштириш тиббий текширувларда аниқланган кўпга хасталикларни ўз вақтида самарали даволашга эришилди. Бу галги тадбирнинг ўн кунга мўлжалланганлиги эса янада яхши. Биз ушбу имкониятдан фойдаланиб, мумкин қадар кўпроқ беморларга тиббий хизмат кўрсатишни мақсад қилганмиз.

— Фарзандим асаб тизими билан боғлиқ хасталиқдан азият чека-

ди, — дейди Шохиста Алиева. — Уни даволаш мақсадида пойтахтга бориш ниятида эдим. Шифокорларнинг ўзи туманимизга келганлигини эшитиб, хурсанд бўлдик. Невропатолог қабулида бўлганимизда, мутахассис боламизнинг умумий аҳоли, хасталик ҳақидаги шикоятларимиз билан кизиқиб, уни тиббий текширувдан ўтказди ва бизга тегишли тавсияларни берди. Боламни даволаш учун нималар зарурлигини энди аниқ биламан ва бугунги тавсиялар асосида шифохонага бориб, муолажа оламиз.

Тадбир кунлари вилоятнинг бир нечта туманларига "Proscan-2000" ва "ЗИЛ" русумли флюоромбиллар жўнатилди. Уларда аҳолининг барча қатламлари флюорографик текширувлардан ўтказилиб, ихтисослаштирилган кўриклар чоғида аниқланган хасталиклар бўйича, зудлик билан даволаш чоралари кўрилади.

Поп тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида Мингбулоқ ва Чустдан келганлар ҳам текширувга жалб этилдилар. Тадбир доирасида муайян функционал ўзгаришлари мавжуд бўлган, юқумли ёки сурункали хасталиклар билан оғриган беморлар ҳамда ногиронлар ташкилий равишда тиббий кўриқдан ўтказилди.

Умуман, соғломлаштириш ўн кунлигининг дастлабки куну бу ерда икки минг нафардан зиёд фуқаролар ўз саломатлиги хусусида аниқ хулоса ва тегишли тавсияларга эга бўлди.

Айни пайтда соғломлаштириш тадбирлари ўйчи ва Косонсой туманлари марказий шифохоналарида ҳам ўтказилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Грециянинг Салоники шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи якунланди.

Мусобақада ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов муваффақиятли катнашди. Хусусан, у 11 партиядан иборат мазкур турнирда икки маротаба зафар кучиб, етти учрашувда дуранг қайд этди.

Ҳамюртимиз етакчилар сафида

Рустам сўнги турда россиялик "ақл гимнастикаси" устаси Александр Гришчук билан кечган ўйинда 25-юришдан сўнг "муроа кучаси"ни танлади. Якуний турнинг қолган ўйинлари қуйидагича ниҳоясига етди: Хикару Накамура — Петер Свидлер 1:0, Этьен Бакро — Василий Иванчук 0:1, Александр Морозевич — Руслан Пономарёв 1/2, Фабиано Каруана — Гата Камский 1:0, Перес Домингес — Веселин Топалов 1:0. ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи

босқичида ўн бир имкониятдан 8 очко тўплаган кубалик шахматчи Перес Домингес яқалашқадам бўлди. Иккинчи ва учинчи погонлардан эса 7,5 очкодан жамғарган америкалик Гата Камский ҳамда италиялик гроссмейстер Фабиано Каруана ўрин олди. 6 тадан очко йўқан россиялик Александр Гришчук ҳамда украиналик Руслан Пономарёв кейинги ўринларни банд этди. Ўн бир имкониятдан 5,5 очко жамғарган ватандошимиз Рустам Қосимжонов эса турнир якуний жадвалининг олтинчи погонасини эгаллади.

Спорт



Шунингдек, АҚШлик шахматчи Хикару Накамура 5, болгариялик Веселин Топалов ва россиялик Петер Свидлер 4,5, Франция вакили Этьен Бакро ҳамда россиялик яна бир гроссмейстер Александр Морозевич 4 тадан очко жамғаришди. Украиналик шахматчи Василий Иванчук 3,5 очко тўплади. ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич учрашувларини жорий йилнинг 3-17 июль кунлари Германияда ўтказиш режалаштирилган.

Ҳасан ТОШХҲЖАЕВ тайёрлади.

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилади.

Ушбу тўловларни «Асака» банки (ОАЖ) барча филиаллари, минибанклари ва махсус кассаларида нақд пулда ёки пластик картчалар орқали амалга оширишингиз мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

- филиаллар ва минибанклар фаолияти бўйича: (8-371) 120-82-72, 120-82-66, 120-82-29;
- махсус кассалар фаолияти бўйича: (8-371) 120-39-48, 120-39-87;
- инфокиослар ва тўлов терминаллари бўйича: (8-371) 120-81-79, 120-81-90, 120-82-76, 120-81-39.

«Асака» банки (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»: (8-371) 120-82-88.

Тўловларни қабул қилувчи филиаллар ва минибанклар манзили «Асака» банки (ОАЖ) расмий веб-сайтига WWW.ASAKABANK.COM жойлаштирилган.

«Асака» банки (ОАЖ) — молия хизматлари бозорида сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборига!

«Ўзметкомбинат» ОАЖ КИСЛОРОД-КОМПРЕССОР ЦЕХИ

газсимон ва суюқ аргон (ГОСТ 10157-79) ишлаб чиқаради ва сотади.

Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан. Мурожаат учун телефон: (8-370 91) 3-43-81. E-mail: kkc@uzbeksteel.uz

Манзил: Тошкент вилояти, 110502, Бекобод шаҳри, Ш. Айтметов кўчаси, 1-уй.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН КЎЛЭМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ: Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17. Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17. Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz